

«Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан Қашқадарё вилоятида жойлашган «Деҳқонобод калий заводи» АЖга ташкиллаштирилган пресс-тур бошланди

// 21.12.2022

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/dehqonobod-kaliy-zavodi-press-tur>



Унда юртимизнинг нуфузли оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар ва блогерлар иштирок этишмоқда. Тадбирни «Деҳқонобод калий заводи» АЖ бошқарув раиси Раҳмат Ўсаров корхонанинг тарихи, бугунги кундаги фаолияти ва эришилаётган натижаларга бағишланган нутқи билан очиб берди. Шу билан бирга, корхона мутахассислари томонидан тақдимотлар ўтказилди. Пресс-тур давомида ОАВ вакиллари, журналистлар ва блогерларни корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнлари ва «Тепакўтон» калийли тузлар кони билан яқиндан таништириш кўзда тутилган.









